

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ЮНУСОВА ДУРДОНА АХТАМОВНА

**ШАВКАТ РАҲМОН ШЕЪРИЯТИДА МЕТАФОРАНИ ҲОСИЛ
ҚИЛУВЧИ ЛЕКСИК-ГРАММАТИК ВОСИТАЛАР ТАДҚИҚИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

УДК: 494.3

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

**Оглавление авторефера диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

Юнусова Дурдона Ахтамовна

Шавкат Раҳмон шеъриятида метафорани ҳосил қилувчи лексик-грамматик воситалар тадқиқи.....	3
--	---

Юнусова Дурдона Ахтамовна

Исследование лексико-грамматических средств, образующих метафору в поэзии Шавката Рахмона	23
--	----

Yunusova Durdona Akhtamovna

Research of lexical-grammatical means that form a metaphor in the poetry of Shavkat Rahmon.....	43
--	----

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works Список опубликованных работ.....	48
---	----

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ЮНУСОВА ДУРДОНА АХТАМОВНА

**ШАВКАТ РАҲМОН ШЕЪРИЯТИДА МЕТАФОРАНИ ҲОСИЛ
ҚИЛУВЧИ ЛЕКСИК-ГРАММАТИК ВОСИТАЛАР ТАДҚИҚИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.PhD/Fil940 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Навоий давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг (www.fdu.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Эрназарова Манзура Сапарбоевна
филология фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Элтазаров Жўлибой Данабаевич
филология фанлари доктори, профессор
Раупова Лайло Рахимовна
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Карши давлат университети

Диссертация химояси Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «19» июль соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети, Бош бино, 105-хона).


Диссертация билан Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 62-ракам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40.)

Диссертация автореферати 2022 йил «5» июн куни тарқатилди.
(2022 йил «5» июн даги 93 рақамли реестр баённомаси).




М.К.Мухиддинов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
филология фанлари доктори, профессор


Д.Б.Хурсанов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
филология ф.б.фалсафа доктори (PhD)


Д.Б.Уринбаева
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
филология фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигига тилнинг ифода воситалари орасида кенг ўрганилган лисоний ҳодиса метафоралар бўлиб, мулоқот, фикр ифодалашда кучли таъсирчанликка эга бўлганлиги учун бугунги кунда замонавий таҳлил усуллари ёрдамида антропоцентрик ёндашувлар асосида ўрганишга эҳтиёж ортиб бормоқда. Метафора оламнинг лисоний манзарасидаги феномен воситага айланганлиги сабабли унинг фалсафий-назарий асосларини лингвокогнитив, лингвокультурологик, прагматик, семантический, психолингвистик нуқтаи назардан тадқиқ этиш масаласини кун тартибида қўймоқда. Шунинг учун ҳам метафоранинг тил хусусиятларини аниқлаш соҳа тараққиётини таъминлайдиган муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Жаҳон тилшунослигига метафораларнинг когнитив функцияси, коммуникатив, ҳиссий, волюнтарий, поэтический хусусиятлари, тилшунослик ва адабиётшунослик соҳаларида бирдек хизмат қиливчи, фикрни ёрқин ва таъсирчан ифодаловчи фаол тасвирий восита эканлигини ўрганиш юқори даражага кўтарилди. Шунингдек, метафораларнинг тегишли маданият доирасида рамз бўлиб хизмат қилиши, миллий-ментал қиймати, шеърий ва насрый асарлар матнида метафоралар оламнинг лисоний манзараси тўғрисидаги ахборотни ташувчи концептуал ҳодиса эканлигини асослаш билан боғлиқдир. Шу ўринда бадиий матнида қўлланилган метафоралар муаммосини тадқиқ этиш, бундан, ўз навбатида, дунё илмий жамоатчилигини хабардор этиш заруратини тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда ахборот алмашиниш жараённида тилга борлиқнинг лисоний тасвири сифатида муносабатда бўлиш ва лингвокультурологик ёндашувларнинг шаклланиши натижасида сўз маъносининг кўчиш усулларига янгича ёндашув тенденциясининг ўзига хослиги фикр-ғояларнинг бадиий ифода услуби сифатида намоён бўлмоқда. Мазкур ўзига хослик, жозибадорлик, тасвир ва таъсирнинг ноанаънавийлиги, Шавкат Раҳмон шеърияти оригиналлигини таъминлашда метафорадан фойдаланиш маҳоратини ўрганиш муҳимдир. Жумладан, «Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир мустақил давлат ўз миллий манфаатини таъминлаш, бу борада, аввало, ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асрар-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир»¹. Зеро, тадқиқотимиз шеър муваффақиятини таъминлаган тил бирликларининг компонент-семик таҳлил жараённида грамматик воситаларнинг вазифаларини очиб бериши нуқтаи назаридан долзарбdir.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида», 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон «Олий ўкув юритдан кейинги таълимни янада такомиллаштириш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сонли «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони // www.lex.uz.

тўғрисида», 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон «Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари ва 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Конуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги Қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қиласди.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, хукуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шеър – қиёслаш ўхшатишлар ҳосиласи ўлароқ метафорасиз жозибали ва таъсирчан бўлмайди. Олимлар томонидан бу ҳодиса чуқур ва атрофлича ўрганилган, бироқ, ҳар бир ижодкор метафорадан ўзига хос тарзда фойдаланади. Мазкур ҳодиса жаҳон тилшунос ва адабиётшунослари томонидан турли контекстларда, асосан, прозаик асарлар мисолида ўрганилган², бадиий тасвир воситалари лингвостилистик³, лингвопоэтик⁴, когнитив⁵, антропоцентрик⁶ нуқтаи

² Виноградов В.В. О языка художественной прозы. – М.: Наука, 1980. – 226 с. Гореликова М.И., Магомедова Д.М. Лингвистический анализ художественного текста. – М.: Русский язык, 1989. – 151 с. Рустамов А. Алишер Навоий асарлари тилининг фонетик ва морфологик хусусиятлари: Филол.фун.докт. ...дисс. – Тошкент, 1969. – 32 б. Каримов С. Язык и стиль произведений Зулфии: Автореф. дисс....канд.филол.наук. – Ташкент, 1983. – 24 б. Йўлдошев М. Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати: Филол.фун.номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2000. Раҳматов М. Алишер Навоийнинг насрый асарларида чун боғловчили гапларнинг синтаксик хусусиятлари: Филол.фун.номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2006.

³ Юлдашев Б. Язык и стиль произведений Саида Ахмада: Автореф. дисс....канд.филол.наук. – Ташкент, 1979. Чориев Т. Садриддин Айний публицистик асарларининг тили ва услуби (лексика ва фразеология): Филол.фун.номз. ...дисс. автореф. – Самарқанд, 2001. Боймирзаева С.У. Ойбек прозасининг лингвостилистик тадқиқи: Филол.фун.номз. ...дисс. автореф. – Самарқанд, 2004. Нормуродов Р. Шукур Холмирзаев асарларининг тил хусусиятлари: Филол.фун.номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2000 ва б. Каримов О. Абдулла Орипов шеъриятида метафорик образлар тизими: Филол.фун.номз. ...дисс. – Тошкент, 2012.

⁴ Мирзаев И.К. Проблемы лингвопоэтической интерпретации стихотворного текста: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Ташкент, 1992. Мұхаммаджонова Г. 80-йиллар охири ва 90- йиллар бошлари ўзбек шеъриятининг лингвопоэтик тадқиқи: Филол.фун.номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2004. Йўлдошев М.М. Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати: Филол.фун.номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2000. Омонтурдиев А.Ж. Профессионал нутқ эвфемикаси (чорвадорлар нутқи мисолида): Филол. фан. док-рие дисс. – Тошкент, 2009. – 252 б.

⁵ Ҳажиев С.К. Сўз маъносининг кўчиши билан боғлиқ лингвистик ҳодисалар: Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – 23 б. Рустамова, Д. А. Метафорик эвфемизациянинг лингвокультурологик ва соционпрагматик аспектлари: филолог. фан. фалсафа д-ри дис. – Фарғона, 2018. – 146 б. Суярова Н. «Белги»

назардан ҳам муайян даражада тадқиқ қилинган. Аммо Шавкат Раҳмон шеърияти мисолида метафорани ҳосил қилувчи лексик-грамматик воситаларнинг ўзига хос хусусиятлари алоҳида ўрганилмаган. Замонавий ўзбек шеъриятида метафоранинг ўзига хос хусусиятларини ифодаловчи грамматик бирликлар маҳсус илмий тадқиқ этилмаган.

Ишимизда Шавкат Раҳмон шеърлари мисолида метафора ва уни ҳосил қилувчи лексик-грамматик ҳодисалар ўрганилади. Хусусан, шоирнинг метафора ҳосил қилишда тилдан фойдаланиш маҳорати, сўз туркумлари ва синтактик муносабатлар таҳлили асосида очиб берилади.

Метафора бошқа бадиий тасвир воситаларига қараганда анча фаол бўлганлиги сабабли кенг тадқиқ этилган. Ҳассос шоир Шавкат Раҳмон шеъриятининг бу қадар жозибали бўлишида ҳам метафоралар ва уларни ҳосил қилувчи лексик-грамматик бирликларнинг ифода хусусиятини ўрганиш, метафоранинг ёндош ҳодисаларга муносабати, уни ифодаловчи воситаларнинг ўрни, аҳамияти ва даражасини аниқлаш зарурати мавжуд.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Навоий давлат педагогика институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ўзбек тилшунослигининг назарий ва амалий масалалари» мавзусидаги тадқиқот доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Шавкат Раҳмон шеъриятида метафораларни ҳосил қилувчи лексик-грамматик бирликларнинг ифода хусусияти, когнитив ва прагматик жиҳатларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тилшуносликда метафоранинг тадқиқ қилиш асосларини ёритиш;
бадиий матнда метафоранинг ўзига хос лексик-грамматик хусусиятларини таҳлил қилиш;

Шавкат Раҳмон шеърларида метафоранинг услубий вазифаларини аниқлаш;

Шавкат Раҳмон шеъриятида сўз туркумларининг метафора ҳосил қилиш имконияти ва даражасини ўрганиш;

Шавкат Раҳмон шеъриятдаги метафораларнинг синтактик-стилистик хусусиятларини очиб бериш;

шеърий матнларда сўз бирикмаларининг метафора ҳосил қилиш имкониятларини асослаш;

Шавкат Раҳмон шеъриятида метафорани ҳосил қилувчи лексик-грамматик воситалар тадқиқига доир фикр, мулоҳаза ва хулосаларни умумлаштириш.

денотатив семали метафораларнинг таснифи, когнитив структураси ва лексикографик талқини: Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Қарши, 2021. – 53 б.

⁶ Худайберганова Д. С. Ўзбек тилидаги бадиий матнларнинг антропоцентрик талқини. – Тошкент: Фан, 2013. – Б. 50. Насруллаева Г.С. Антропоцентрик метафоранинг лисоний, когнитив ва лингвомаданий аспекти: Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Фарғона, 2019. – 52 б. Махмараимова Ш. Ўзбек тили метафораларининг антропоцентрик тадқиқи (номинатив аспект): Филол. фан. док. (DSc) дисс.автореф. – Самарқанд, 2020. –74 б.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Шавкат Раҳмон шеъриятида қўлланилган метафоралар ва унга ёндош айрим бадий тасвир воситалари танланган.

Тадқиқотнинг предметини Шавкат Раҳмон шеъриятида қўлланилган метафораларни ҳосил қилувчи лексик-грамматик бирликларнинг ўрни, аҳамияти, қўлланилиш даражаси ва ифодаланиши ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида қиёсий таҳлил, зидлаш, таснифлаш, контекстуал, структурал усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

Шавкат Раҳмон ижодида метафоралар шеър таъсирчанлиги ва сўз қудратини оширувчи, оригинал маъноларни кашф қилишда оламнинг лисоний манзарасини тасаввур қилишнинг асосий воситаларидан бири эканлиги аниқланган;

Шавкат Раҳмон шеъриятида қўлланилган «етим ялпизлар», «йиртилган шамол», «сочи қумрол», «кўхна замин туллади» каби янги турдаги метафоралар когнитив ва прагматик хусусиятга эга феномен эканлиги далилланган;

шоир шеърларида қўлланилган метафораларнинг бадий тасвир воситалардан индивидуаллиги, метафоралар онтологияси ва метафоризациянинг янги синергетик қонуниятлар асосида аташ (номинатив) вазифаларини ифодалаши очиб берилган;

Шавкат Раҳмон шеърларида бир-бирига ўхшамаган, бошқа ижодкорлар қўлламаган метафоралар, синтактик фигуralар, синтактик-стилистик комбинацияларнинг услубий жиҳатдан мутлақо янги маъно касб этиши, метафоралар нутқнинг вазифавий шакллари учун хос фикрий-ментал восита эканлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қўйидагилардан иборат:

Шавкат Раҳмон шеъриятида метафорани ҳосил қилувчи лексик-грамматик воситаларни антропоцентрик ва дискурсив таҳлил қилиш натижасида чиқарилган хулоса ва умумлашмалар ўзбек тилшунослиги, хусусан, прагмалингвистика, лингвопоэтика, социолингвистика соҳалари учун зарурӣ, илмий маълумот бериши, бадий матнда метафоранинг ўзига хос лексик-грамматик хусусиятларини тадқиқ қилишда тадқиқотлар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилиши далилланган;

шоир шеъриятида метафоралар оламнинг лисоний манзараси тўғрисидаги концептуал ҳодиса эканлигини асослаш натижасида чиқарилган хулосалар ўзбек тилшунослиги учун муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши, бу тилшунослик ва адабиётшуносликка оид яратиладиган дарслик ва ўкув қўлланмаларнинг мукаммалашувига хизмат қилиши асосланган;

Шавкат Раҳмон шеъриятида қўлланилган метафоралар ва унга ёндош бадий тасвир воситаларнинг лексик-грамматик, синтактик-стилистик хусусиятлари, сўз туркумларининг метафора ҳосил қилиш имконияти натижасида чиқарилган хулосалар ўзбек тилшунослиги учун муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши ва янги назарий ва амалий курсларнинг ташкил этилишида амалий аҳамият касб этиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги тадқиқот методологияси ва методикаси уйғунлиги, қўйилаётган муаммонинг долзарбилиги, янги ва муҳим вазифаларнинг ҳал этилганлиги, тадқиқотга жалб қилинган ишончли манбалар асосида қўлланган ёндашув усуллари, келтирилган таҳлил, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, лисоний далиллар талқинининг назарий асосланганлиги, тадқиқотнинг ҳимояга олиб чиқилаётган ҳолатлари ва хулосаларнинг янгилиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, Шавкат Раҳмон шеъриятида метафораларни ҳосил қилувчи лексик-грамматик бирликларнинг ифода хусусияти, когнитив ва прагматик жиҳатларини очиб бериш, метафоралар тадқиқига доир илмий-назарий қарашларни бойитиш, лингвокультурология, корпус лингвистики, қолаверса, адабиётшуносликка доир тадқиқотлар доирасини кенгайтириш, ўзбек тили Миллий корпусининг лексик тизими учун бевосита материал сифатида хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса олий ўкув юртларининг филология факультетларидаги «Ҳозирги ўзбек адабий тили», «Матн таҳлили», «Адабиётшуносликка кириш» ўкув курсларини такомиллаштиришда, умумтаълим мактаблари учун «Она тили» дарсларида маъно кўчиш турлари ва «Адабиёт» фанидан бадиий тасвир воситалари – поэтик синтаксис мавзуларини мукаммал ўқитишда, метафоралар луғатини яратишда муҳим аҳамиятга эгалиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Шавкат Раҳмон шеъриятида метафорани ҳосил қилувчи лексик-грамматик воситаларнинг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

бадиий матнда метафоралар шеър таъсирчанлиги ва сўз кудратини оширувчи, оригинал маъноларни кашф қилишда оламнинг лисоний манзарасини тасаввур қилишнинг асосий воситаларидан бири эканлигига оид хулосалардан Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Ўзбекистон педагогика илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиали томонидан олиб борилган ФЗ-2016-0908165532 рақами «Қорақалпоқ тилининг янги алфавити ва имло қоидаларига мувофиқ она тили ва адабиётини ривожлантириш методикаси» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон педагогика илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиалининг 2021 йил 23 июндаги 129-сон маълумотномаси). Натижада метафоранинг ўзига хос лексик-грамматик хусусиятлари, услубий имкониятларининг изоҳланишида асос бўлиб хизмат қилган;

Шавкат Раҳмон шеъриятида қўлланилган «етим ялпизлар», «йиртилган шамол», «сочи кумрол», «кўҳна замин туллади» каби янги турдаги метафоралар когнитив ва прагматик хусусиятга эга феномен эканлигини изоҳлашга оид хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот

институти томонидан олиб борилган ФА-А1-Г007 «Қорақалпоқ нақл-мақоллари лингвистик тадқиқот обьекти сифатида» мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Қорақалпоғистон гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтининг 2021 йил 28 июлдаги 171/1-сон маълумотномаси). Натижада кўплаб метафораларнинг изоҳлари мукаммаллаштирилган;

шоир шеърларида қўлланилган метафораларнинг бадиий тасвир воситалардан индивидуаллиги, метафоралар онтологияси ва метафоризациянинг янги синергетик қонуниятлар асосида аташ (номинатив) вазифаларини ифодалашига оид назарий хулосалардан Ўзбекистон педагогика илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиали томонидан олиб борилган А1-ХТ-0-92997 рақамли «Ёшлини умуминсоний, миллий ва тарихий қадриятлар уйғунылиги асосида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг муаммолари» мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон педагогика илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиалининг 2021 йил 5 августдаги 161-сон маълумотномаси). Натижада метафораларни ифодаловчи воситаларнинг ўрни, аҳамиятини ёритишда асос бўлиб хизмат қилган;

Шавкат Раҳмон шеърларида бир-бирига ўхшамаган, бошқа ижодкорлар қўлламаган метафоралар, синтактик фигуранлар, синтактик-стилистик комбинацияларнинг услубий жиҳатдан мутлақо янги маъно касб этиши, метафоралар нутқнинг вазифавий шакллари учун хос фикрий-ментал восита эканлигига доир назарий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти томонидан олиб борилган ФА-Ф1-О05 «Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослигини тадқиқ этиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Қорақалпоғистон гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтининг 2021 йил 8-августдаги 229/1-сон маълумотномаси). Натижада Шавкат Раҳмон шеъриятида метафорани ҳосил қилувчи лексик-грамматик воситаларнинг ўзига хос хусусиятлари, метафоранинг шеър муваффақиятидаги иштироки очиб берилган;

Жиззах телеканалининг «Замин» ахборот дастурини тайёрлашда фойдаланилган (Жиззах телеканалининг 2021 йил 26 июлдаги 76-сон маълумотномаси). Натижада кўрсатувларнинг долзарблиги, илмий-оммаболлиги ва илмий-амалий жиҳати таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий анжуман ва семинарда, жумладан, 3 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий конференциясида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилингандиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола (шу жумладан, 6 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Тадқиқотнинг умумий ҳажми 151 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг Кириш қисмida ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётта жорий қилиш, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «Тилшуносликда метафоранинг ўрганилиши» деб номланган. Бобнинг «Метафора тилшуносликнинг тадқиқот обьекти сифатида» биринчи бўлимида метафораларнинг ўрни, метафора инсоният интеллектуал оламининг барча соҳаларини эгаллаганлиги, тилнинг бутун қудрати метафорада мужассамлашганлиги, метафораларнинг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг маъно тараққиёти, шаклланиши, метафоранинг тилшуносликда ўрганилиши тадқиқ қилинган. Нутқий муносабатларда ўзаро фикр алмашиш, сұхбатдошга воқеа-ходиса ҳақида маълумот беришда метафораларнинг ўрни бекиёслиги, айниқса, шеъриятда фикр ифодалашнинг энг таъсирчан ва образли воситаси эканлиги таҳлил қилинган. Шунинг учун ҳам Ю.С.Степанов «Метафора тилнинг асосий хусусиятидир. Метафора воситасида сўзловчи вужудига туташган ва нутқ сўзлаган пайтига тўғри келган яқин доирадан бошқа дунёларни изоляциялади»,⁷ - деб таъкидлайди.

Метафораларнинг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг маъно тараққиёти, шаклланиши ҳақида фикр юритилганда, Н.А.Ширинованинг тадқиқотлари⁸ эътиборни тортади. Ҳақиқатан, метафораларнинг кўзга кўринган шакли бу белги ифодаловчи бирликлар орқали ифода этилишидир. Кўпинча метафора деганда белги билдирувчи сўзлар иштирокидаги қатор маъно кўчиш ҳодисалари намоён бўлади. *Совуқ гап, аччик ҳақиқат, иссиқ юз, хунук хабар, ширин ҳаёт кабилар.* Н.А.Ширинова тўғри таъкидлайди: белги алоҳида ҳолда мавжуд эмас, балки предметга мужассамлашган, шунингдек, катта-кичиклик, баланд-пастлик, кенг-торлик белгилари ҳам предмет билан бир варақнинг икки томони каби яхлит ҳолда яшайди. Тил эса эгаларининг эҳтиёжларига мос равишда уларни сўзларда алоҳида-алоҳида ҳам ифодалайди, бир сўз бағрида ҳам саклайди ва бу ҳолда уларни фарқловчи воситаларни ҳам тайинлайди.

⁷ Степанов Ю.С. В трехмерном пространстве языка. – М.: 1995. – С.87.

⁸ Ширинова Н.А. Ўзбек тилида предметлик ва белги-хусусият маъноларини фарқлаш воситалари: Филол. фанлари номз. ... дисс. – Тошкент, 2010. – Б. 38.

Ўзбек тилшунослигига тадқиқотчи Г.Қобулжонова метафорани мустақил тадқиқот объекти сифатида, лисон ва нутқ фарқланиши асосида тадқиқ қилди.⁹ Шунингдек, тадқиқотчи З.Тохиров нутқий метафорик маъно ҳосил бўлишининг ўзига хос прагматик хусусиятларини ўрганиб, «Ўзбек тилида нутқ жараёнида метафора содир бўлар экан, бу ҳодиса ҳосила семемадаги прагматик сема ҳосил бўлиши билан характерланади. Масалан, *шер, бургут, лочин, оҳу, қашқир* лексемаларининг шахс билдирувчи семема, *лаъл, чарос, бодом, гул* лексемаларининг киши аъзосини билдирувчи семема ҳосил қилиши метафора бўлиб, бунда ҳосила семемалар прагматик маънога эга бўлади»¹⁰, - деган холосага келади.

Биринчи бобнинг «Бадиий матнда метафораларнинг ўзига хос лексик ва грамматик хусусиятлари» деб номланган иккинчи бўлимида Шавкат Раҳмон шеъриятида ижтимоий маъно ва мазмун аниқ намоён бўлишида метафораларнинг ўрни, метафора зоҳирий белги-хусусиятларни ажратмаслиги, балки предметнинг моҳияти ҳақида мазмуний образ ҳосил қилиши, метафора бадиий матнларда фикр ифодалашнинг энг таъсирчан ва образли йўли эканлиги ҳамда тасвирий восита сифатида бадиий нутқ жараёнида муҳим вазифа бажариши, сўзларнинг умумий лисоний қийматини тиклаш билан биргаликда уларнинг лексикографик тавсифини бериш ва замонавий изоҳли лугатлар яратишда ҳам кўп маънолиликнинг лисон ва нутқка муносабатини аниқ ва қатъий белгилаб олиш муҳим илмий-методологик аҳамиятга эгалиги таҳлил қилинган. Аксарият терминларнинг келиб чиқиши метафорик асосдадир. Масалан, тилшуносликдаги урғу, бўғин, товуш ўзгариши, маъно кўчиши, маъно кенгайиши, маъно торайиши, эга кесим, аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол, содда, мураккаб, ажратилган бўлак, уюшиқ бўлак, содда гап, қўшма гап, гап бўлаги, сўз ўзгариши, шакл ясалиши каби юзлаб, минглаб терминларнинг метафорик асосда эканлиги фикримизнинг далилидир. Аристотель таъкидлаганидек: «Метафора – бу турдан турга ёки ўхшаш бўлган ғайриоддий исмнинг кўчирилиши».¹¹

«Соф нутқий ҳосила маъноларнинг лисонга интилишини очиш ҳам қатор ижтимоий-лисоний омилларга таянади. Ҳосила маъноларнинг лисон ва нутқка муносабатига оид қуйидаги таснифини бериш мумкин:

- 1) лисонийлашган ва ҳосилавийлигини йўқотган маъно;
- 2) лисонийлашган ҳосила маъно;
- 3) лисонийлашаётган ҳосила маъно;
- 4) нутқий ҳосила маъно.

Шавкат Раҳмон шеърларида ҳам шоирнинг қайсар ва ўжар феъли, қалби кўзгудагидек кўриниб туради. Унинг шеърларида фикр ҳам, туйғулар ҳам, фавқулодда холосалар ҳам кутилмаган, ўзига хос ўжар. Унинг шеърлари шу қадар табиийки, ўқисангиз, кўз олдингизда худди кино лентасидек яхлит бир манзара – гўзаллик, руҳий сокинлик жонланади...¹² Метафоралар таҳлили

⁹ Қобулжонова Г. Метафоранинг системавий лингвистик талқини: Филол. фан. номз....дис. – Тошкент, 2000.

¹⁰ Тохиров З. Метафора лексема семемасининг прагматик семаси//Ўзбек тили ва адабиёти. 1983. №1.–Б. 74.

¹¹ Аристотель. Поэтика. – Л.: 1957. – С. 39.

¹² Фаниев И., Афоқова Н., Фаниева А. Шавкат Раҳмон олами. – Тошкент: Akademnashr, 2013. – Б. 90.

давомида Шавкат Раҳмон шеъриятидаги ижтимоий маъно ва мазмун аниқ намоён бўлади. Шоирнинг «Ўрмонда», «Гуллаётган тош», «Баланд дараҳтлар», «Ғўза», «Хулво» ва бошқа шеърларида метафоранинг бошқаларда учрамайдиган оригинал намуналарини кўриш мумкин. Одатда, Бобур сўзи одамга нисбатан атоқли от сифатидагина кўлланилади. Шоир сўз кўллашда, янги сўзларни кашф этишдан, яратишдан тўхтамайди. Унинг «Илвасин йигитлар, бобур йигитлар» каби мисраларида сўзнинг кўчма эмас, аслидаги луғавий маъносини кўллайди. Шунингдек, шоир шеърларида *болашамол, одамдаҳт, ойиммозор* каби янги кўшма сўзларни ҳам ижод қилган. Шунингдек, ундаги *йиртилган шамол, гуллаётган тош, ялангоч чўл* каби ифодалар бошқа ижодкорларнинг асарларида учрамайди.

Биринчи бобнинг «Шеърий матнларда метафоранинг услубий имконият ва вазифалари» деб номланган учинчи бўлимда метафоралар ўзаро мулоқотни тушунарли бўлишида, доимо номаълумни маълум қилишда иштирок этиши таҳлил қилинган. Шуни таъкидлаш жоизки, метафоралар фақат бадиий нутқ учун яратилмайди, улар нутқнинг бошқа вазифавий шакллари учун ҳам хос, айниқса, расмий ва илмий нутқларда ҳам ҳатто, сиёсий дискурсларда нотиклар ўз фикрини турли ижтимоий қатламга, турмуш тарзи ва дунёқарашга эга бўлган кишиларга ўз фикрини метафоралар орқали етказиб беради.

Шавкат Раҳмон шеърияти таҳлилидан метафоранинг поэзиядаги ўрни нечоғли аҳамиятли эканлигини билиб олиш мумкин. Метафора поэтик нутқдагина бадиият ҳодисаси, яъни бадиий образ сифатида қабул қилиниб, нарса-ҳодисани шунчаки атабгина кўймайди, балки уни бошқа нарса-ҳодисага қиёсан тавсифлайди, онгимизда аталаётган нарса ҳақида жонли тасаввур – образ яратади. Поэзиянинг метафорага мойиллиги эса унда объектив олам – реал воқелик билан субъектив олам – инсон шахсининг тўқнаш келиши туфайли бўлиб, уларни орадаги ўхшашлик орқали англашга интилиш метафорани тақозо этади. Шунинг учун ҳам метафоранинг кенг тарқалган асосий кўринишлари жонлантириш ёки предметлаштириш асосида амалга ошади.

Метафора онтологияси янги маънолар яратиш усули сифатида кам ўрганилган. Метафора муаммоси узоқ тарихга эга бўлса-да, бу ҳодисанинг онтологияси ва метафоризация механизмлари, яъни сўзларнинг маъноларини янги номинатив вазифа ифодасига мослаштириш жараёнида қайта кўриб чиқиши йўллари тилшуносликда асосан семасиологик аспектда тилнинг тайёр тил маъноларини қиёслаш ва таҳлил қилиш асосида ўрганилган. Кўриниб турибдики, метафоранинг бу бир ўлчовли тадқиқи тилшуносликнинг «қандай амалга оширилади» деган саволга жавоб бера оладиган ривожланган метафора назариясига эга эмаслигининг сабабидир. Тилшунослик ва адабиётшунослик, улар узоқ вақт давомида бўлган яқин алоқадан келиб чиқиб, метафора ҳодисасини ўрганиш ва тасвирлашда турли вазифаларни бажарди.

Тил метафораси объектив ассоциатив алоқаларга асосланган бўлиб, улар маълум бир тил гуруҳининг кундалик ва амалий тажрибаси ёки унинг

маданий ва тарихий билимлари ҳақида маълумот берувчи коннотатив хусусиятларда акс этади. Нутқ метафораси муайян контекстдан «келади» ва у билан доимо боғлиқ бўлади. У туғилади ва мавжуд бўлиб, у билан парчаланади, чунки оғзаки маънони қайта кўриб чиқиш учун сабаб бўлиб хизмат қилувчи коннотатив хусусиятлар фақат маълум бир лексик тўплам доирасида (жумла ёки бутун матн доирасида) қаралган. Бундай концепциялар одатда дунёнинг жамоавий нуқтаи назари эмас, балки шахсни акс эттиради, шунинг учун улар умумий билимларга нисбатан субъектив ва тасодифий нисбийдир.

А.П.Чудинов метафорани иккита концептуал соҳаларни бирлаштирадиган ва янги соҳа ёрдамида манба соҳасини куриш кучидан фойдаланишга имкон берадиган асосий ақлий операция сифатида белгилайди.¹³ Биз ҳам ишимизда бу фикрга таянган ҳолда метафора нутқда етарли миқдордаги турли функцияларни бажариши ва тилда кенг кўлланилишини асослашга ҳаракат қилдик.

Ишнинг «Шавкат Раҳмон шеъриятида сўз туркумларининг метафора ҳосил қилиш даражаси» деб номланган иккинчи бобда Шавкат Раҳмон шеъриятида сўз туркумларининг метафора ҳосил қилиш даражаси ҳақида сўз юритилган. «Отларнинг метафора ҳосил қилишдаги иштироки» деб номланган биринчи бўлимида шоир ижодида отларнинг метафора ҳосил қилишдаги иштироки таҳлил қилинган. Метафора – инсон образли тафаккурининг ҳосиласи. Бугунга қадар мазкур ҳодиса тилшунослик ва адабиётшунослик нуқтаи назаридан кўп ўрганилган. Тадқиқотчилар, олимлар, шоирлар орасида метафорасиз бадиий асар бўлмайди, деган фикр хукмрон. Антик даврлардан нутқнинг таъсири-тасвирий воситаси ва жозибаси деб қараб келинган мазкур ҳодиса ҳақида билдирилган жами фикрлар орасида метафорага билиш жараёнининг ўзига хос аспекти, усули, фикрлаш механизми сифатидаги ёндашувлар маълум маънода ўзининг исботини топган.

Ўзбек адабиётининг нодир шоири Шавкат Раҳмон шеърияти грамматик жиҳатдан ҳам, мазмун жиҳатдан ҳам ўзига хосдир. Шавкат Раҳмон шеърларида қофиябозлик кўзга ташланмайди, мисраларда жумлаларнинг жойлашиши, шакли бошқа шоирларнинг шеърларидан фарқ қиласи. Шоир шеърларида метафоралардан самарали фойдаланган, ҳатто янги метафоралар ҳам яратган.

//Ёғилади майин сас, садо,// ёғар, ёғар шомурут қори,//
//нақадар хуш жодугар наво,// озод, қора соchlар ифори//

Мазкур бандда шоир «жодугар» сўзини навога нисбатан қўллаб, бошқа кўчма маънони ҳосил қилмоқда. Аслида бу сўз салбий маънони бериш учун қўлланилади. Шавкат Раҳмон ўз шеърида уни нақадар хуш, сехрловчи куй, инсонга ором бағишловчи наво маъносида қўллаган. Бошқа контекстларда, кўпинча насрый асарларда, жодугарнинг сехри ўз манфаатига хизмат қиласи.

¹³ Чудинов А.П. Россия в метафорическом зеркале: Когнитивное исследование политической метафоры (1991–2000). – Екатеринбург, 2001. – С. 33.

Шоир шеърида эса, жодугар наво инсонларга роҳат бағишиламоқда. Бу янги метафорик маъно ҳисобланади. Аслида жодугар от сўз туркумига хос, аммо кўп ўринларда сифатловчи-аниқловчи вазифасида келиши айрим ҳолатларда кишини чалғитиши мумкин. Шу ўринда ўзбек тилида кўп маъноли сўзлар қандай ҳосил бўлиши ҳақида ҳам тўхталиш лозим. Тилда кўп маъноли сўзлар маъно кўчиш йўллари орқали ҳосил бўлади, аслида бу ҳам ўзбек тилининг бойиш манбаси ҳисобланади. Тўғри, сўз сон жиҳатдан кўпаймагани билан маъно жиҳатидан кўпаймоқда.

Шавкат Раҳмон шеърларида табиат бағридан танлаб олинган тимсоллар гўзал ва бетакордир. Шунинг баробарида шоир тил имкониятларидан ҳам унумли фойдаланиб, шеърларида бир-бирига ўхшамаган синтактик фигуralарни, синтактик-стилистик комбинацияларни яратади.

Иккинчи бобнинг «Белги билдирувчи сўзларнинг метафора ҳосил қилишдаги ўрни» деб номланган иккинчи бўлимида метафоранинг ифодаланиши ҳақидаги фикрлар, метафора тилнинг коммуникатив, номинатив, билиш мақсадларининг ажралмас қисми сифатида талқин қилиниши, метафора лисоний бирлик эканлиги, ўзбек тилида метафораларнинг тарихий ўрганилиши, синестетик метафоралар, оксюмарон бирикмалар ҳақида фикрлар қайд этилади ва Шавкат Раҳмон шеърлари таркибида сифат сўз туркуми доирасида ифодаланган метафоралар таҳлил қилинади.

Ўзбек тилида метафораларни ўрганишнинг тарихи асосан Шарқ мумтоз адабиёти ва фалсафа мактаблари билан узвий боғлиқлигини атрофлича текширган У.Қобулова метафорани адабий истилоҳ деб баҳолайди ҳамда уни ўхшатиш (ташбех)дан «бамисоли», «мисли», «каби», «сингари» сўзларининг тушиб қолиши эвазига фарқлайди. Метафорани истиорага эквивалент ўрнида кўяди.¹⁴ Булар эса илмий-адабий меросимизда мавжуд бўлиб келган қарашлар маҳсулидир.

Ўзбек тилида метафораларни ўрганишнинг тарихи туркий тилшуносликнинг бу борадаги ривожи билан узвий боғлиқ. Жаҳон метафорологик тадқиқотлар тадрижий ривожида кузатилгани каби, метафоранинг туркологияда ўрганилиш масаласи турли лингвистик парадигмалар тамойиллари акс этган ва даврий аҳамиятга эга бўлган масалалардан ҳисобланади.¹⁵

Ушбу бўлимда М.Миртожиев,¹⁶ Р.Қўнғуров,¹⁷ М.Йўлдошев,¹⁸ Н.Маҳмудов,¹⁹ Д.Худайберганова²⁰ каби тилшунос олимлар томонидан

¹⁴ Қобулова У.С. Метафорик матнда интеграл ва дифференциал семалар муносабати (ўзбек халқ топишмоклари мисолида). Фил.фан.ном. илмий дар. олиш учун тақдим этилган диссертация. – Т.: 2007; шунингдек, Адабиётшунослик терминлари луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1970.

¹⁵ Махмараимова Ш. Ўзбек тили метафораларининг антропоцентрик тадқики (номинатив аспект): Филол. фан. док. (DSc) дисс. – Самарқанд, 2020. – Б. 45.

¹⁶ Миртожиев. М.М. Ўзбек тили семасиологияси. –Т.: Mumtoz so‘z, 2010. – Б.96.

¹⁷ Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. –Т.: 1977. – Б. 37.

¹⁸ Йўлдошев М. Чўлпон сўзининг сирлари. –Т.: 2002. – Б. 73.

¹⁹ Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқ маданияти. –Т.: 2009. – Б. 80.

²⁰ Худайберганова Д.С. Ўзбек тилидаги бадиий матнларнинг антропоцентрик тадқики: Филол. фан. док-ри. дисс. автореф. – Тошкент, 2015. – Б.18.

метафоралар бўйича билдирилган фикрлари таҳлил қилинди ва муносабат билдирилди.

Шавкат Раҳмон шеъриятида белги билдирувчи метафоралардан унумли фойдаланган. Шунинг учун ҳам бу борада шоирнинг метафора яратиш маҳорати, мавжудларидан фойдаланиш услуби баъзан бошқаларнидан анча фарқ қиласди:

//Оқ сукунат портлар саҳарда,// кун нурида ёниб, ярақлаб,//
//чопиб кирап совуқ шаҳарга // ялангоёқ яшил дараҳтлар.//

Мазкур мисраларда ажратиб кўрсатилган икки ўринда метафора иштирок этмоқда. Бу ўринда «совуқ» сўзига алоҳида урғу бериш лозим. Чунки контекстдан ташқарида совуқ шаҳар ўз маъносида ҳароратнинг ниҳоятда пастлигини ифодалаши ҳам мумкин. Аммо бандда «яшил дараҳтлар», «кун нурида ёниб ярақлаб» бирикмалари совуқ сўзининг метафорик маъно ифодалаб келаётганини билдиради.

Шоир ижодида белги билдирувчи сўзларнинг метафора ҳосил қилишдаги аҳамияти фаол эканлиги, қолаверса, муаллиф томонидан танланган ва маҳорат билан қўлланган метафоралар ўзига хос, такрорланмас маъно ифодалашини таъкидлаш лозим.

Тадқиқотнинг «Ҳаракатни ифодаловчи сўзларнинг метафора ҳосил қилишдаги аҳамияти» деб номланган учинчи бўлимида Шавкат Раҳмон ижодида от ва сифатга қараганда феъл сўз туркумига доир сўзлар янгидан янги маъно қўчишларни ҳосил қилиши таҳлил қилинган. Метафоралар борасидаги қарашлар ниҳоятда мунозарали. Бу эса мазкур илмий мавзунинг жиддий тарзда ишланмаганлигини, етарли даражада янгилигини, оригиналлигини, шу билан бирга, ўта долзарблигини исботлайди. Шавкат Раҳмон шеъриятида метафораларнинг ўрни ва аҳамияти катта бўлиб, ҳаракатни ифодаловчи сўзлар иштирокида ҳам бетакор метафоралар яратади: Масалан, «Ҳамал» номли шеърида ҳайвонларга хос бўлган хусусият, жараёнга табиатда содир бўладиган ҳолатни ўхшатиб ажойиб метафора ҳосил қиласди:

//Эриб битди поёнсиз қорлар// яна кўҳна замин туллади.//
// Водийдаги улкан ўриклар// бир кечада оппоқ гуллади.//

Аслида ҳайвонот олами ҳам табиатнинг бир қисми бўлса-да, уларга хос жиҳатларнинг биридагисини бошқасига қўчириш услубий ва мантиқий жиҳатдан номутаносиб. Шундай бўлса-да, Шавкат Раҳмон «тулламоқ» феълини заминга нисбатан муваффақиятли қўллай олган.

Шавкат Раҳмоннинг баҳор тасвирига бағишлиланган деярли барча мисралари, асосан, метафорага асосланган. Шоирнинг бошқа ижодкорлардан фарқи шуки, у табиат ҳодисаларини, борлиқ ўзгаришларини инсонга таниш хиссиятлар асосида, мўйқалам билан чизилгандек тасвиirlаб бера олади. Бунда асосий вазифани феъл туркумига доир сўзлар бажариши қуйидаги намунадан англашиб турибди:

//Майсаларин тараф, парвозга // шайланади чексиз далалар.//

//Ўспиринлар қучогида маст // Қирда асир тушган лолалар.//

Тасвир метафоралар орқали шунчалар аниқ чизилганки, беихтиёр асир тушган лолаларни кўз олдига келтириш мумкин.

Шавкат Раҳмон ўз ижодида метафоралардан унумли фойдаланиб, мисраларда фикр, кечинма ифодалашнинг энг таъсирили нуқтасига чиқа олди. Аммо шуниси эътиборлики, Шавкат Раҳмон шеърни публицистик услубда ифодаламади, тил воситаларидан ниҳоятда самарали фойдалана олди, бадийликнинг, шеърнинг энг гўзал намуналарини яратди. Инсоннинг азалий ва абадий дардлари, муаммоларини англаш ва англатишга уринган қалбнинг ўз-ўзини намойиш қилиши эди. Шавкат Раҳмон ҳам сўз қудратини шундай ҳис етди.

Шавкат Раҳмон ўз кечинмаларнини, ҳис-туйғуларини ифодалашда бадий тасвир воситаларининг деярли барчасидан, шунингдек, феъл сўз туркумидан унумли фойдаланади.

Диссертациянинг учинчи боби «Шавкат Раҳмон шеъриятидаги метафораларнинг синтактик-стилистик тадқики» деб номланган. Бобда замонавий ўзбек шеъриятининг забардаст вакили Шавкат Раҳмон шеъриятидаги метафораларнинг лисоний хусусиятларини таҳлил қилиш орқали ижодкорнинг тил имкониятларидан қай тарзда фойдаланиш маҳоратини ўрганиш ҳамда муайян тил бирликларининг нутқ индивидуаллигини таъминлашдаги аҳамиятини белгилаш мақсади кўзланган. Бобнинг «Эга-кесим муносабатидаги синтактик бирликларнинг метафора ҳосил қилишидаги иштироки» номли биринчи бўлимида тил бойлиги фақат сўзлар, иборалар билангина эмас, сўзларнинг лексик маънолари билан ҳам ўлчаниши, метафора борлиқни билиш, тилда акс эттириш, номлаш ва таснифлаш, нутқни таъсиричан баён этиш, унга бўёқдорлик баҳш этиш, метафоризация, конверция, адъективация ҳақида фикрлар билдирилган ва метафоранинг юзага келишида асосий вазифани бажарувчи синтактик-стилистик муносабатлар тадқиқ этилган.

Жумладан, Шавкат Раҳмон шеъриятида метафоранинг роли ўзига хос. Метафора ҳосил қилишнинг лисоний имкониятлари таҳлил қилинганда, албатта, синтактик муносабатларни инобатга олиш керак. Ҳар қандай метафора синтактик жиҳатдан маълум бўлакка тобеланиб, уни аниқлаш ёки изоҳлаш орқали рўёбга чиқади. Шавкат Раҳмон ижодида бошқа ижодкорлар қўлламаган бетакрор метафора намуналарини учратиш мумкин. Бу, албатта, ижодкорнинг борлиқни идрок этиш даражасига бевосита боғлиқдир. Шеърият, умуман, бадий матн аслида ижодкорнинг оламни англаш манзарасидир.

Сўзлар синтактик муносабатга киришмагунча қўчма маъноларни, услубий маъноларни ифодалай олмайди.

//Энди унинг сочлари қумуши,// оқ ипакдай қўллари қадоқ.//

//Кўзларида лиммо-лим қадар// бағри доғли, юраги қадоқ.//

Аслида «кумуш» сўзи металл, кимёвий элемент бўлса-да, унинг ранги одатда қорга нисбатан (кумуш қиши) қўлланилади. Аммо шеърий мисраларда ёши катта, кекса маъносини, кўп ташвиш чеккан киши эканлигини англатиш учун онага нисбатан ўзига хос тарзда «соchlари кумуш» синтактик жиҳатдан гап шаклида ишлатилган. Аниқловчи-аниқланмиш муносабатида сўз бирикмаси шаклида қўлланиш ҳолати кўп учрайди. Бундан ташқари, бир банднинг ўзида сўзнинг ҳам ўз маъноси «қўллари қадоқ» ва ўхшаш бўлган «юраги қадоқ» кўчма маъноси қўллангани диққатга сазовор. Шавкат Раҳмоннинг «Ҳамал» шеърида ҳам синтактик жиҳатдан гап шаклидаги конструкциялар метафора ҳосил қўлланганда. Таъкидлаш керакки, бундай вазиятда, асосан, кесим гапнинг ўхшашлик асосида кўчма маънони юзага келтирилмоқда.

Шавкат Раҳмон шеърларини таҳлил қилганда айрим ўринларда кетмат-кет метафора қўллаганини кузатиш мумкин. Таҳлил қилинган шеърларида «сўлмоқ» офтобга нисбатан, «шоҳи кўйлак» настаринга нисбатан қўлланилган. Шоир шеърда шамолни болакайга ўхшатмоқда. Бола деб тўғридан-тўғри метафора ҳосил қилиши ҳам мумкин эди. Бироқ тушунарсиз бўлиб қолгандан кўра «болакай шамол», «шамолбола» каби янги сўзларни, янгича услубий ифодаларни ишлатмоқда. Шеърнинг учинчи бандида бир қатор «соchi қумрол», «дудоғи лола», «юзлари оқ», «ёноқлари ол», «ўйнаб ҳарир этакларини» каби бирикмалар қўлланган бўлиб, банднинг деярли барча сўзи ўз маъносида қўлланилмаган. Бу ерда ўхшатишга асосланган, метафорик маънолар жамланган дейиш мумкин.

Учинчи бобнинг «Аниқловчи-аниқланмиш муносабатидаги синтактик бирликларнинг метафора ҳосил қилиш имкониятлари» деб номланган иккинчи бўлимида аниқловчи-аниқланмиш муносабатидаги синтактик бирликларнинг метафора ҳосил қилиш имкониятлари ҳақида фикр билдирилган ва таҳлил қилинган. Метафораларнинг энг сермаҳсул тури – бу сифатловчи-сифатланмиш муносабатидаги сўз бирикмалари.

